

Қуръони Каримнинг лафзидаги мўъжиза



09:00 / 13.07.2023 2362

Филолог олимлардан бирига шайх савол билан юзланди:

Сиз араб тили бўйича докторлик даражасини олмаганмидингиз?

Филолог: Ҳа олганман.

Шайх: Яхши, унда сизга саволим бор эди. Араб тилидаги энг заиф ҳарф қайси?

Филолог: Эҳтимол, «син» **س** ҳарфи каби ҳамс сифатига эга

ҳарфлардан бири бўлса керак. Ёки мад ҳарфлари бўлмиш «алиф» **ا**, «вов»

و, «ё» ي ҳарфлари заиф бўлса керак. Чунки бу ҳарфлар тўсиққа учрамай ичкаридан чиқади.

Шайх устозларга хос тарзда табассум қилди-да, «ҳой тилшунос олим, айтганларингиз хато» деди.

Шунда филолог толиби илмлардек ийманиб, агар менинг жавобим нотўғри бўлса, ўзингиз айтиб берсангиз, сиздан ўрганиб фойда олар эдик.

Шайх араб тилидаги энг заиф ҳарф бу «фа» (ف) ҳарфидир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизни ота-оналаримизга оққ бўлиб қолишдан қайтариб шундай марҳамат қилган:

﴿أَفِي لِمَا تَقُولَ﴾

«... бас, уларга **«Уфф»**, дема,...» (Исро сураси, 23-оят).

Бу гапни эшитган тилшунос манбаларни кўздан кечириб, чиндан ҳам араб ҳарфлари ичида кучли ва заифлари борлигини, энг қувватли ҳарф «То» (

ط) ҳарфи эканини аниқлади. Чунки, бу ҳарфда заифлик сифатлари бўлмиш ҳамс, рохова, лин каби сифатлар мавжуд эмас. Араб ҳарфлари

орасидаги энг заиф ҳарф чиндан ҳам «фа» (ف) ҳарфи экан. Чунки бу ҳарфда қувват сифатлари бўлган жаҳр, шидда, итбоқ каби сифатлар мавжуд эмас.

Қуръони Каримда бизни ота-онамизга оққ бўлиб қолишдан қайтаришда

зикр қилинган «уфф» (و) калимасининг ишлатилиши Қуръоннинг лафзий мўъжизаларидан ҳисобланади. «Уфф» калимаси танглик, малоллик маъноларига далолат қилади. Қаранг, Аллоҳ таоло ота-онамизга нисбатан

араб тилида энг заиф ҳарф бўлган «фа» (ف) иштирок этган «уфф» (و) калимасини ишлатишдан қайтарди. Энди ота-онага нисбатан қўпол, қўрс,

шиддатли, ёмон таъсир қилувчи гапларни ишлатиш ҳақида нима деб
ўйлайсиз?!

Нозимжон Ҳошимжон & Хуршид Маъруф